



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021-yil 22 - Aprel

873 n -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Курбанов Мадийёр
Курязовичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Тозабозор” маҳалласида яшовчи фуқаро Курбанов Мадийёр Курязовичнинг “Тозабозор” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 15 мартдаги ШЯ-Қ-1065-сонли аризасини, “Тозабозор” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 12 мартдаги 809-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Тозабозор” маҳалласида жойлашган 8 (саккиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 71,50 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 122,0 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 193,50 квадрат метр, қурилиш ости майдони 303,2 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Курбанов Мадийёр Курязовичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.


2. Фуқаро Курбанов Мадийёр Курязовичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳукуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Қурбанов Мадийр Қуръазовичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Қуръазов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев